



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
10 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 72
(12.083)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2008 йил – Ёшлар йили

ПСКЕНТДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

Бир йилдирки, Пскент туман "Тадбиркор аёл" уюшмаси қошида очилган ўқув маркази самарали фаолият юритиб келмоқда. Унинг очилишида Япония ҳукумати ажратган грант маблағи кўл келди.

– Аввал тикувчиликни ўргатишни йўлга қўйган бўлсак, секин-аста компьютер саводхонлиги, пандачилик, саргарошлик йўналишларини ҳам очдик, – дейди марказ раҳбари Сайёра Мўминова. – Сентябрь ойининг охирида эса инглиз тили курсларини йўлга қўйиш мўлжаллими бор.

СУРАТАЛАРДА: тикувчилик гуруҳи қизлари; корейлик дизайнер Нарита Нахоко ўз машғулотларини мана шундай кайфиятда олиб боради; компьютер саводхонлиги курсларида; Малика Ҳалимованинг тикувчиликка анча кўли келиб қолди.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Ўзбекистон Республикасининг "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Йиғилишда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини такомиллаштириш масалалари буйича ишчи гуруҳининг ахбороти тинланди. Мамлакатимизда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги амалдаги қонун 1996 йилда МДХ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб қабул қилинган. Қўмита томонидан ушбу қонун ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунлари шуни кўрсатадики, юртимизда давом этаётган илмий-ислохотлар, янгилашлар, жамиятнинг демократлашуви ноширлик фаолиятига оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг Бери Конвенциясига аъзо бўлиши ноширлик соҳасига доир миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қайта кўриб чиқишни тақозо этаётди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини ана шу талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ў.А.

САБОҚ ВА ТУҲҒА

"34-МЕҲРИБОНЛИК УЙИ" мактаб-интернатида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамда "Қамалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида "Болалар ҳуқуқлари поезди" лойиҳаси доирасида интерактив семинар-тренинг ўтказилди.

– Семинар-тренингда "Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция" ва "Болалар ҳуқуқлари қаролатлари тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳуқуқ-тартиб органлари вакиллари томонидан атрофлича тушунтириб берилди, – дейди "Қамолот" ЁИХ етакчи мутахассиси Зухра Каримова. – Шунингдек, тадбирда иштирок этган ёшларга ўқув қуроллари ҳамда спорт кийимлари совға қилинди.

Мунира ИСАЕВА.

МАҲОРАТ УЧУН ТЕЛЕВИЗОР

"ОҲАНГАРОНШИФЕР" ҳиссодорлик жамиятида ишчи қизлар ўртасида билимдонлик танлови ўтказилди.

Унда қувур цехининг ишчиси Назира Оразкулова, қозонхона ишчиси Мафруза Умбетова, маъмурият ходимлари Наргиза Абдурахмонова, Хулқар Хунарова қатнашдилар. Қизлар касб кўникмалари, шунингдек, бадий, эркин мавзуларда ўз билимларини намойиш қилишди. Назира Оразкулова биринчи ўрин

ни эгаллади ва рангли телевизор билан тақдирланди. Танловнинг бошқа иштирокчиларига ҳам қimmat совғалар топширилди. Корхонада "Энг яхши оператор", "Энг яхши электрчи" касб танловлари ҳам ўтказилиб, кўнчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Озод ХУШНАЗАРОВ.

Мулоқот



Семинар-кенгашда Олмалик шаҳри ҳокими Равадан Гуломов газеталар бош муҳаррирларига шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг

"Алмаликский рабочий" газетаси таҳририятининг 2008 йил биринчи ярмидаги фаолияти мониторинги таҳлил этилиб, нашрда ёриштирилган мавзулар қизгин муҳокама қилинди.

"Алмаликский рабочий" – вилоятнинг 1992 йил

ШАҲАР МАРКАЗИДАН ҚАЛМОҚҚИРГАЧА

ОЛМАЛИК шаҳрида вилоят шаҳар ва туман газеталари бош муҳаррирларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамда

вилоят матбуот ва ахборот бoshқармаси уюштирилган матбуот ва тажриба алмашинуви шаклидаги бундай мулоқотлар анъанавий тус олган. Бу йил ўндан ортиқ шундай тадбирлар ўтказилди.



сентябрдаёқ компьютерда саҳифалана бошлаган қалдирғоч газетасидир. Бугунги кунда ушбу ҳафталик нашр 25 дан ортиқ рун-

лар остида мақолалар чоп этмоқда. Йил бошидан бери шаҳарнинг 450 дан ортиқ фуқароси унинг қаҳрамонига айланди. Газе-

танинг ярим йил давомида чоп этилган 32 сонидан 70 дан зиёд қорхона ва ташкилотлар жамоалари ҳақида хикоя қилинган.

Вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Раҳимжон Орипов, вилоят матбуот ва ахборот бoshқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Саидқаром Саидвалиев ва бошқалар йиғилганларга вилоят журналистларининг ўрнатилган аристократик баъзи ишлари ҳамда матбуот вакиллари эътиборига лойиҳа айрим мавзулар ҳақида ахборот бердилар.

Тадбир сўнггида семинар-кенгаш иштирокчилари "Қалмоққир" кенгаши бўлиди. У ерда вилоятнинг ишлаб чиқариш салохияти ҳамда катта бунёдкорлик ишларида журналистлар тутган ўрни ҳақида қизқаркли сўбат бўлиб ўтди.

СУРАТАЛАРДА: семинар-кенгаш пайти.

Тўғич БЕК олган суратлар.

"МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ" ТУРНИРИ

ПАРКЕНТ тумани Хисорак қишлоғи ёшлари ўртасида бир неча йилдирки, "Мустақиллик кубоги" футбол турнирини ўтказиш яхши анъанaga айланган.

Яқинда навбатдаги турнир ниҳоятда етиб, голиблар аниқланди. Ун икки маҳалла орасида финалгача етиб келган Олма-

зор ва Паст маҳаллалари жамоалари ўртасидаги якуний баҳс қутилганидек шиддатли ва мурасасиз кечди. Бу ўйинда олмасорлик ҳаваскорларга

омад кулиб бокди ва улар иккинчи марта кубок эгаси бўлишди.

Ғолиб ва совриндор жамоалар маҳаллий ҳомиёларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Алишер РАҲМАТОВ.

ҚОЗОНХОНАЛАР БОЗОРИ ЧАҚҚОН

ЧИРЧИКДАГИ "Ҳаракат плюс" ишлаб чиқариш компанияси тайёрлаётган модулли автоном қозонхоналарга ички бозорда эҳтиёж ошиб бормоқда.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, буюртмачиларга қулайлик яратиш мақсадида барча вилоятларда компаниянинг шўба кор-

хоналари фаолият юритмоқда. Бугунга келиб, қорхонада ишлаб чиқарилаётган махсулот турлари офислар, тиббиёт пунктлари, ош-

хона ва ётоқхоналар учун вагон типидagi тураржой модуллари, шунингдек, электрон газ ҳисоблагич, қувиш энергиясида ишловчи сув иситкич каби ускуналар ҳисобига янада кўпайди.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.

МАМЛАКАТИМИЗДА ёшларни, жумладан, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ўқиш ва ишга киришда берилган имтиёزلардан умумий фойдаланаётган собиқ аскарлар ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топишмоқда.

ЙИГИТЛАР ЭЪТИБОРДАН МАМНУН

Низомий номидagi Тошкент давлат педагогика университетида маълум қилишларича, бу йил уч юз эллик нафарга яқин йигит Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мудатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ берилган имтиёз асосида маъзур олий таълим муассасаси талабалари сафига қўшилган.

Ўқишга қабул қилингандан жуда хурсандман, – дейди ушбу университетнинг чакирқачна ҳарбий таълим факультети биринчи курс талабаси Жамшид Абдиев. – Эндиги мақсадим биз, ёшларга қўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликни оқлаш ва танлаш соҳамнинг етук мутахассиси бўлиш йўлида астойдил ўқиб-изланишимиз.

Ў.А.

ЖОРИЙ йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганининг 90 йиллиги кенг нишонланади.

**ФЕСТИВАЛГА
ТАЙЁРГАРЛИК**

Президентимизнинг жорий йил 9 апрелда қабул қилган "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ушбу олий таълим муассасасининг республикамизда илм-фан, маънавият ва маърифатни ривожлантиришдаги хизматлари билдирган юксак эътироф рамзидир. Маъқур қарор асосида илм масканини 90 йиллик тантаналарини ўтказишга университет томонидан кенг қўламадаги тайёргарлик ишлари олиб борилди ва шу кунгача бир қатор семинар ҳамда халқаро анжуманлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, "Ёшлик" талабалар шахарчаси худудидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва уларга қарашли талабалар тураржойларида турли кўринишдаги тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

Университетнинг 90 йиллигини нишонлаш доирасида яна бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш мўлақатланган. Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллиги тадбирлари доирасида "Ёшлар мамлакатимизнинг бугуни ва эртанги кунини ҳал қилувчи кучдир" шiori остида 19-20 сентябрь кунлари фестивал ўтказилиши кўзда тутилган. Фестивалда республикамизнинг барча олий ўқув юртиларидан талабалар иштирок этади.

Айни кунларда фестивал доирасида "Ёшлик" спорт майдонида спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
"Туркистон-пресс".

**РЕЖАЛАР
БЕЛГИЛАНДИ**

"КАМОЛОТ" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида "Камалак" болалар ташкилотининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.


Ёш авлоднинг ҳар ҳафтадан қўллаб-қувватлаш, уларни истеъдодларини рўйбга чиқаришда Республика "Камалак" болалар ташкилотининг ҳам ўрни бекиёс.

Ташкилотнинг навбатдаги йиғилишида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Мазкур, "Камалак" болалар ташкилоти ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларни истеъдодларини қўллаб-

қувватлашга яқиндан кўмак бериб келаётган. Айтиш жоизки, ташкилот 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар манфаларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ечиш, қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Аънавий равишда ўтказиб келинаётган кўрик-танлов, семинар ва турли анжуманлар ҳамда спорт мусобақалари шулар жумласидан.

"Туркистон-пресс".

Маралар қўриқлайди Ватанини



УЛАР ЮРТ ҲИМОЯСИГА ТАЙЁР

Айни кунларда Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ўқув муассасаларида битирув тантаналари ўтказилмоқда. Ана шундай шод ёллардан бири Чирчиқ автомобиль мактабида бўлиб ўтди.

Бугунги кунда республикамиз қўролли кучларига ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаб беришда етакчи бўлган бу ўқув юртида курсант-

ларга билим беришда ҳам ўзига хос тажриба бор.

Тантанали маросимда республикамиз мудофаага кўмаклашувчи "Ватан-

Қулайлик

ЗАНГИОТА туманида ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва тарғиб қилиш маркази фаолият бошлади. Илгарилари тўман ахборот-маслаҳат маркази унитар корхонаси ҳамда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси туман ҳокимлигининг ўзида жойлашган эди. Улар учун

ҲАММА ХИЗМАТ БИР ЖОЙДА

Энди марказга келиш учун ҳокимлик биносига киришни ҳолати йўқ. У ҳокимликнинг чап томонида жойлашган бўлиб, алоҳида бино сифатида реконструкция қилинди. Ҳам ахборот-маслаҳат маркази унитар корхонаси раҳбари Исроил Шаропов. – Мана, энди барча шароитлар муҳайё этилди. Ёшлар учун ўқув машғулоти, семинарлар ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси учун марказнинг ўзидан алоҳида хоналар ажратилди. Улар кенг, ёруғ ва тилдам ҳолга келтирилди. Сўнги русумдаги компьютер жихозлари, юмшоқ мебельлар ҳамда кўрғазмали

битта, нари борса иккита хона ажратилган. Аммо, бу хоналар ҳам анча тор бўлиб, ишлаш учун қулай шарт-шароит йўқ эди. Бирон юмуш билан келган тадбиркорлар узоқ муддат навбат кутиб қолишарди. Янги марказнинг очилиши бундай муаммоларга чек қўядиган бўлди.

қурилиши яхши эмас, – дейди "Denta Fill Plyus" хусусий корхона раҳбари Абдуносор Қосимов. – Ўз иш тажрибаларини ёшларга ўргатишни ҳам унутмаслик керак. Шу маънода тажрибали ишбилармонлар билан тадбиркорликни энди бошлашга ёшларга ўзаро тажриба ва малака соҳаларида ўртоқлашиш учун марказ яқиндан ёрдам беради.

Хуришда НАЗАРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

АНЪАНАВИЙ МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ

АЛИШЕР НАВОЙИ номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўқувчи-ёшлар учун анъанавий мустақиллик дarsi ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Халқ демократик партияси фаолилари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда асосий эътибор юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, сиёсий жараёнлар, мустақиллик йилларида рўй берган ўзгаришларга қаратилади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ўқув

масканларида ўтказиб келинаётган бу каби дарсларда мамлакатимиз мустақиллигининг тарихий аҳамияти, ўтган истиқлол йилларида юртимизда рўй берган туб ўзгаришлар ҳақида ёш авлод вакиллари билан атрофлича фикр алмашилди.

Шунингдек, мустақиллик дарсида мактаб ўқувчиларига Ёшлар йилида амалга оширилаётган ишлар, ёшлар маънавиятини

юксалтириш масалалари, умуман бугун мамлакатимизда ёшлар тарбиясига қаратилаётган эътибор ҳақида атрофлича маълумот берилди. Тадбирда ўқувчи-ёшлар Олий Мажлис фаолияти, Қонунчилик тизими, сиёсий партиялар, шулар қаторида Ўзбекистон Халқ демократик партиясига оид саволларга ҳам жавоб олишди. Ўқувчилар А. Навоий номидаги кутубхонада олиб борилаётган ишлар, жорий этилаётган янги тизимлар билан яқиндан танишишди.

"Туркистон-пресс".

Куз саховати

«ОЛАВЕРИНГ, БИЗНИКИ ДЕҲҚОНЧИЛИК»

бугун бозорларимизда мана шу хитоб тез-тез янграмоқда

Ўзбек хонадонларида айни пишиқчилик паллалари кечки овқатга фотиҳа ўқилган, дастурхонга, албатта, қовун ёки тарвуз келтирилади. Мазаси тилни ёрадиган бу нўмаддан баҳраманд бўлинган, таомилга кўра, оила катталари уни етиштирган деҳқон ҳақида дуо қилишади. Ҳатто, дуо-уйликни эглай олмайдиغانлар ҳам, ҳеч бўлмаганда "ёқанга, ёганга раҳмат" деб қўйишади.

Дарҳақиқат, дунёда энг кўп дуо оладиган қасб эгалари деҳқонлардир. Негаки, улар эл-юртнинг ризқ-насибасини етказадилар, деҳқоннинг ҳалол меҳнати, пешона тери, машаққату матонат эвазига бозорларимиз тўқин. Дунёда ўзбек деҳқонидек қўли очик, танги, саховатли зот бўлмас керак. Чинакам деҳқон мўлкчилик пайтида нарх-навога ёпишиб олмайди, харидорнинг қўлига қарамайди, тошу тарозини инсоф билан қўяди. Тарозининг пилласи ҳамма харидорнинг фойдасига босади. Бу кеча ёки бугун шакланган анъана эмас. Қадимдан шундай. Бундай жумарлик деҳқонларимизнинг қон-қониға сингиб кетган. "Бобурнома"да "Андижонда полиз бошида қовун пулга сотилайдур" дея лўф қилганлар Бобур Мирзо. Негаки, полиз бошига берилган одам – меҳмон-да. Бизда меҳмон отадек улғусаналади.

Мана бу ривоятни эса янглишмасам, қибрайлик уста соҳибкор Ғайрат Сулаймоновдан эшитганман. Кўкларда ер ҳозирлашиб, уруғ қадалган, у Тангрига шундай нолга қиларкан: – Дунё юзини қўришни истамайман. Мени ундирма, ер бағрига синиб кетай. – Ўйк, – деркан Тангри

таоло. – Сен унишинг, ҳосил бериб, инсонларга ризқ-насиб улаштиринг лозим.

– Майли, мен розиман, – деркан уруғ. – Фақат сендан бир ўтинчим бор. Мени эккан деҳқоннинг билиб-билмай қилган гуноҳлари бор. Шуларни авф этсанг, униб чиқаман.

Тангри бу илтимосга рози бўларкан ва уруғ ниб уриб чиқаркан. Қиссадан хисса шуки, уруғлиг вақтида униб чиққан деҳқоннинг гуноҳлардан холи бўлганлар...

Бу бир ривоят. Бирок дунёда деҳқоннинг энг пок, ҳалол инсон эканлигини аниқлаш учун етарли ибратдир.

Бир ҳаққасимиз ўзи гувоҳ бўлган сўбатни шундай ҳикоя қилади:

... Маҳалла даладўқонидан бир йўловчи харидор сотувчи, яъни деҳқон йиғитдан тарвузни чакмақлаб беришни сўради. У тарвузни тоғиб кўра экан, "бай-бай-бай" деб бошини сарак-сарак қилди:

– Асал бўлиб кетибди-ку! Мирзачўликимми?

– Ўйк, ўзимизники, Қибрайники, – деди сотувчи фахр билан.

– Қибрайда ҳам шунча тарвузлар битар экан-да!

– Нега битмас экан, битанди, – гурур билан давом этди деҳқон йиғит. – Ҳаммаси

меҳнатга бовлиқ, ака. Азал-азалдан бу замин қовун-тарвузнинг макони бўлган.

– Шунча денг! Мен Қибрайнинг узумлири машҳур, деб эшитгандим.

– Тўғри эшитибсиз. Бизнинг узумларимиздақасини етти иккидан ҳам тополмайсиз. Бир пайтлар узумларимиз Буюк Британияга жўнатилганини эшитганимиз? Ана шунда инглизлар уни татиб кўриб, Қибрай нимрангига "Лондон бозорларининг қироли" деб ном беришган экан. Э, олаверинг, пул қорқамас. Бизники – деҳқончилик. Деҳқон қачон маза қилади, биласизми?

– Қачон? – соддалик билан сўради харидор.

– Одамлар у етиштирган ҳосилдан татиб кўриб, "Қани, деҳқон, беш-ўн кило тортинг-чи" деганида...

Харидор мийғида кулиб қўйди. Кичикроқ бош узуми еб туғатган:

– Тарвузни асал десам, бу ундан ўтади-ку! Қани узумингиздан икки, йўк, беш кило тортинг. Бола-чака бир маза қилишинг, – деди.

Харидор сотиб олган нарсаларни машинага юқлар экан:

– Хар доим шундай тўқинчилик, арзончилик бўлсин-е, – деб қўйди...

Сугурта

**ЭНДИ
НАВБАТ
УЛОВГА**

"ЎЗБЕКИНВЕСТ" экспорт-импорт миллий сугурта компанияси агентлик пунктлари республиканинг барча вилоят, шаҳар ва туманлари Саҳо-саннат палатаси қошидаги Ахборот-маслаҳат марказлари таркибиде фаолият юритмоқда.

– Қисқа вақт ичида агентлик пунктга 2 мингга яқин аҳоли, 10 дан ортиқ корхона ва ташкилот аъзо бўлди, – дейди Ангрэн шаҳар ахборот-маслаҳат маркази унитар корхонаси раҳбари Рашидхон Аббасов. – Компания шартнома асосида ўз аъзоларига бахтсиз ҳодисаларни, жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва қурилмаларини, гаровга қўйилган транспорт воситаларини сугурталайди, шунингдек, 6 та йўналишдан иборат тиббий сугурта турлари бўйича кафолатли хизмат кўрсатади. Шахсий транспорт воситаларини сугурталаш хизмати эса шу йилнинг 22 октябрдан бошлаб мажбурий хизмат тури сифатида амалга оширилади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Қарор ва ижро

**ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ
ТАЯНЧ ГУРУҲИ
МУҲОФАЗАСИДА**

ЯНГИЙЎЛ тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига кетма-кет учта шикоят аризаси тушди. Учовчи ҳам бир жойдан, аниқроғи, Абдулла Ортиқов қишлоғидаги 1-кўп қаватли уйда яшовчилардан. Иккитаси шу йилнинг 24-хонадони эгаси А. Ғорисимова, биттиси 9-хонадонда яшовчи Р. Супринга тегишли. Мазмунини ҳам бир хил, яъни уйларида иссиқлик энергияси йўқ, аммо коммунал хизмат идоралари пулини вақтида ва тўла ундириб олишади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туман жамияти ходимлари аризаларда баён этилган ҳолатлар юзасидан текширув ўтказишиб, керакли ҳужжатларни тўплашди ва уни монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармасига тақдим этишди. Ҳудудий бошқарма ҳам барча ҳужжатларни ўз муддатига ўрганиб чиқиб, аҳоли фойдасига 28 миллион 802 миң сўм пулни қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ангреник Абдултолиб Ғаниев ҳам худди шундай ҳолатни бошдан кечирди. Тўғри, у аввал инсоф юза-сидан сабр-тоқат қилди. Таг-туғи йўқ иссиқлик энергияси ҳақиқи ўз вақтида тўлаб турди. Аммо, бир томондан совуқ жондан ўсиб, иккинчи томондан эса, тўлаётган пуллари ахлитгина суммага этиб қолган, истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва манфаатлари поймол қилинаётганига беварқ қараб туролмади. Ҳуқуқидан фойдаланиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вилоят ҳудудий бошқармасига ариза йўлади. Ҳудудий бошқарма вазиетини ўрганиб, ҳақиқатан ҳам шаҳарнинг 32-дахасидида 5-уйнинг 31-хонадониде иссиқлик энергияси қувурлари носозлигини аниқлади. Натижада, уй-жой ширкати томонидан 320 миң сўм пул истеъмолчининг фойдасига ҳал этиб берилди.

– Бундай мисолларни давом эттиривериш мумкин, – дейди истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раисини раис Гулчехра Аббасова. – Чунки биз Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил учун алоҳида иш режасини тузиб, изчил амалга оширмоқдамиз. Ана шу режада истеъмолчилардан тушаётган шикоят аризалари, шунингдек, оғзаки ҳамда ишонч телефонлари орқали мурожаатларга жиддий эътибор қаратиш ва вақтида ҳал этиб бериш чора-тадбирларига кенг ўрин берилган.

Ҳақиқатан ҳам истеъмолчиларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларига вақтида эътибор қаратиб, қонунда белгиланган муддатларда ҳал этиш ҳудудий бошқарманинг энг устувор вазиетига айланган. Шу билан бирга бирлашма раҳбарияти аҳолининг ҳуқуқий ва аниқ-са, истеъмолчи сифатидаги билимини ошириш чора-тадбирлари масалаларга алоҳида эътибор бермоқда. Жойларда истеъмолчи ҳуқуқи мавзусида 52 та маъруза, 39 та ўқув-машғулоти, 37 та давра сўбатини ташкил этилди. Қолаверса, вилоятнинг 21 та шаҳар ва туманларини тўла камраб олган

ҳолда 222 истеъмолчининг фикр ва истаклари ўрганилди.

Вилоят ҳудудий бирлашмаси жиддий эътибор қаратган яна бир муҳим масала қалбаки, сифатсиз, давлат рўйхатидан ўтмаган дори воситаларни савдога чиқарилишининг олдини олишдир. Шу мақсадда бугунги кунгача вилоятдаги 70 га яқин дохидада мониторинг ўтказилди ва аниқланган маълумотлар Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига Федерациясига тақдим этилмоқда.

Вилоят ҳудудий бирлашмаси таҳририятга тақдим этган материалларга қараганда истеъмолчиларнинг ариза ва мурожаатлари юзасидан бу йил 867 та мониторинг ўтказилди, натижаси ҳақидаги маълумотлар Федерацияга, 56 та ҳал бўйича ҳужжатлар эса, тегишли давлат назорат идораларига чора кўриш учун юборилди.

Ҳозирги пайтда юзаб маҳалла ва ўқув муассасаларида, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бозорларда жами 1085 та истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таянч гуруҳлари изчил фаолият юритмоқда.

– Биз ушбу гуруҳлар ёрдамида истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид амалдаги қонун-қондаларни тушунтириб беришни давом эттиривериш, – дейди Гулчехра Холисова. – Шу билан бирга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги, янада таъсирчан ва самарали воситаларини излаб топиш мақсадида давлат бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳамда назорат органлари билан биргаликда иш олиб бораёламиз.

Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

МАҲАЛЛИЙ "ЭЛЕКТРОН ПУЛ УТҚАЗМАЛИ" ТИЗМИ

ФАОЛЛАШТИРИШ ТУБОРА КЕНГАЙМОҚДА.

Чирчиқ шаҳрида маъқур тизимга боғланидиган иш жойлари автоматлаштирилди.

Хизмат кўрсатиш истеъмолчиларга яқинлаштириш мақсадида бир қатор ҳудудий филиалларнинг почта алоқаси боғламалари тармоққа уланди.

Бу билан электрон пул ўтказмалари жараёни янада жадаллашиб, тизимга уланганлар кўпайди.

Шаҳар почта алоқаси тармоғини электрон пул ўтказмаларига тўла боғлашга эришилди.

Ақбар АЛИЕВ.

ПУЛ УТҚАЗАСИЗМИ, МАРҲАМАТ!

2008 йил 30 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилоти, Тошкент тумани суд ижроичилари бўлини томонидан қуйдаги автотранспорт воситалари тақдоран қуйилмоқда:

Тошкент тумани, Ҳасанбой ш/х, Ҳасанбой 5-тор кўчаси, "Камол-Уматдош" МҲЖ оմборида сақланаётган қуйидагилар: 1. ЖИБ Тошкент туман судининг 27.05.2008 йилдаги 166-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ВАЗ-2104" русумли, д/р 10J7082 бўлган, 1970 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 200 000 сўм. 2. ЖИБ Тошкент туман судининг 13.05.2008 йилдаги 199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "АВИА А304" русумли, д/р 11Т6838 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 000 000 сўм.

Тошкент тумани, Тошкент ш/х, Минвода кўчаси, "Кандрат-Давоо" ХК оմборида сақ-

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

2008 йил 30 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилоти, Тошкент тумани суд ижроичилари бўлини томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қуйилмоқда:

Тошкент тумани, Ҳасанбой ш/х, Ҳасанбой 5-тор кўчаси, "Камол-Уматдош" МҲЖ оմборида сақланаётган қуйидагилар: 1. ЖИБ Тошкент туман судининг 27.05.2008 йилдаги 166-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ВАЗ-2104" русумли, д/р 10J7082 бўлган, 1970 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 200 000 сўм. 2. ЖИБ Тошкент туман судининг 13.05.2008 йилдаги 199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "АВИА А304" русумли, д/р 11Т6838 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 000 000 сўм.

Тошкент тумани, Тошкент ш/х, Минвода кўчаси, "Кандрат-Давоо" ХК оմборида сақ-

ланаётган қуйидагилар: 1. ЖИБ Тошкент туман судининг 05.06.2008 йилдаги 2639-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Нексиа" русумли, д/р 1R4119 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 500 000 сўм. 2. ЖИБ Тошкент туман судининг 05.06.2008 йилдаги 2830-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "УАЗ-3962" русумли, д/р/сиз, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 600 000 сўм.

Маъқур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига доирда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар

бир мулк учун алоҳида тартибда, таънов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва насанини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов Ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИИН 200933850, 20210000500571452105.

Диккат тузатиш: Суд Департаментининг Тошкент вилоти ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим қилиниб "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентнинг правда" газеталарининг 23.08.2008 йилдаги 66-сониде чоп этилган хабарномаларда – "Д-3-98" русумли, д/р 37-89 EP бўлган автогрейдер "Д-3-98" русумли, д/р 39-85 EP автогрейдер деб ўқилсин. Асос: Суд Департаментининг Тошкент вилоти ҳудудий бошқармасининг 04.09.2008 йилдаги 11-867/08-сонли хати.

Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Уразабоев кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ЎРТА БЎҒИН – ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЎҒИН

Ангрэн – йирик кончилик ва саноат шаҳри. У юксак илмий ва маданий-маърифий салоҳиятга ҳам эга. Айни шу жиҳатлар кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор тус олишининг асосий омилга айланди. Чунончи, бу йил ўтган йилнинг биринчи ярми ақунларига нисбатан саноат корхоналари маҳсулоти 105,5, чакана савдо айланмаси 105,3, пулли хизматлар 119,5, маиший хизмат кўрсатиш 192,3 фоиз ўсди. Шаҳар корхоналари 716,4 минг доллар миқдордаги саноат маҳсулотини экспортга жўнатди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар учта корхонанинг иқтисодий ночорликдан қутқарди.

лиги иқтисодиётда ва ижтимоий соҳаларда шундай барқарор ривожланиш йўлига ўтилишида муҳим омил бўлаётди. Бугун шаҳарда тўққизта тармоқ касабаси уюшмаларининг 129 та бошланғич ташкилоти иш олиб бораёпти. Улар ўз сафларига 46 минг ишчи-хизматчини бириктиришган. Бешта тармоқ касабаси уюшмаси марказий кенгашилари эса Ангрэн шаҳрида ўз вакилликларига эга.

Касабаси ташкилотлари ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиб, унчалик оддий бўлмаган бугунги бозор муносабатлари шароитида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда барқарорликни таъминлаб, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ушбу саҳифада ана шу жараёнлар ҳақида ҳикоя қилинади.



NTVIL YUUSHM

Мактуб Кўнглимиз қувонди

САЁХАТ кўнглишуши эмас, балки она-юрт, унинг осори-атикалари, сўнги йилларда амалга оширилётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш, юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлардан завқ олишдир. Шаҳсан мен Ватанимиз пойтахти Тошкентга бир кунлик саёхат давомида шундай хулосага келдим.

Бу саёхат касабаси уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмасининг кенгаши томонидан ташкил этилди. Йўл-йўлакай 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилатган Тошкент шаҳри тарихи, унинг мейморий обидалари, мустақиллик йилларида қурилган иншоот ва бинолар кўри ҳақида суҳбатлашиб бордик.

Биз – Ангрэн шаҳри тиббиёт ва таълим муассасалари, бошқа ҳар хил ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшларни Тошкент саёхати яна ҳам яқинлаштириди, дўстлаштириди. Ҳаммамиз бу саёхатдан бир олам таассурот, келажакка соабт ишонч билан қайтдик.

Лекин шу кун пойтахтда кўрганларимиз эшитганларимиздан минг чандон аъло бўлиб чиқди. Икки чети гулзор, кенг, текис кўчалар, маҳабатли саройлар, янги кўприкларни томоша қилдик. Мустақиллик майдони бизни ҳайратга солди. "Туркистон" ва "Истиқлол" санъат саройлари, Миллий театр бинолари кишига завқ бағишлайди. Айниқса, Хастимом мейморий ёдгорликлар мажмуаси билан танишганимизда ҳар биримиз-

нинг қалбимиз она-юрт, азиз ва муқаддас Ўзбекистонимиз учун ифтихор туйғуларига тўлди. Биз бу ерда юртимизнинг ўтмиши ва бугунги эмин-эркин ҳаёти ҳақида бамисоли ҳаяжонли ҳикоя тинглагандек бўлдик. Шундай улғу алломаларнинг авлодлари, шу улғу мамлакатнинг фарзандлари эканлигимиздан фахрландик.

Биз – Ангрэн шаҳри тиббиёт ва таълим муассасалари, бошқа ҳар хил ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшларни Тошкент саёхати яна ҳам яқинлаштириди, дўстлаштириди. Ҳаммамиз бу саёхатдан бир олам таассурот, келажакка соабт ишонч билан қайтдик.

Мардона САФАРОВА,
шаҳар шифохонаси
ҳамшираси.

СУРАТДА: саёхатчиларнинг бир гуруҳи.

«Ўзбекқўмир» касба ташкилотида

БИРДА СУҲБАТ, БИРДА ЛЕКТОРИЙ

"Ўзбекқўмир" бирлашган касба кўмитаси бошқа нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда Жигаристон ва Облик маҳаллаларида турқум давра суҳбатлари ўтказди. Уларда бугунги ижтимоий-сиёсий вазият, халқаро терроризм ва экстремизмнинг зарари, тинчлик ва фа-

ровонликка таҳдиди, ёт диний оқимларнинг ёвуз ниятларини фож этиш масалалари теварағида кенг фикр олишув бўлиб ўтди. Алишер Навоий номидаги маданият уйида лекторий ташкил этилди.

Карима УСМОНОВА.

ИККИ АВЛОД УЧРАШДИ

Ангрэн кончилари икки авлодининг учрашувлари мароқли ўтди. Кўмир кони, транспорт ҳамда Ер ости йўли билан кўмир қазиб олиш корхоналарининг ёш

ишчи-хизматчилари меҳнат қаҳрамонлари ва фахрийлари, ишлаб чиқариш илгорларининг ибратли ҳаёт йўллари билан танишдилар.

Иқбол МИРЗАЕВ.

КОРХОНА СТИПЕНДИАТЛАРИ

Нефть-газ, энергетика, кимё-геология, кончилик мутахассисликлари бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида билим олаётган 10 нафар иқтидорли талабага устама стипендия таъинланди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий

ўқув юртлирида ўқийётган ёшлар ва ишчи-хизматчиларнинг талаба фарзандлари шартнома тўловлари, кам таъминланган оилалар фарзандларининг ўқиши учун 23 миллион 464 минг сўм маблағ сарфланди.

Расул АҲМЕДОВ.

"ЗОМИН"ДА ДАМ ОЛИШДИ

Ёш ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириб, соғломлаштириш учун 6,4 миллион сўм маблағ сарфланди. Йил бошидан буён 35 кончига дам олиш мас-

канларига имтиёзли йўлланмалар берилди. Бошқа беш кишилик гуруҳ "Зомин" пансионатида дам олиб келди.

Ҳабиба АЗИМОВА.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲОДИМЛАРИ КАСБА УЮШМАСИНИНГ ШАҲАР МУАССАСАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БОШ- ЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ 2976 ХОДИМ ВА 1360 ЎҚУВЧИДАН ИБОРАТ ЎЗ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА УСТУВОР ВАЗИ- ФА СИФАТИДА ҚАРАЙДИ.

ҒАМҲЎРЛИК САМАРАСИ

Ёшлар йилида кам таъминланган ва кўп болали оилаларга эътиборни қунай-тирдик. Шундай 26 оиланинг ҳар бирига 62,4 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шифохонамиз ходимларидан Маҳбуба Сайназарова, Муҳаббат Зокирова, Лола Исмоилова, Тиллохон Махсумова шундай моддий ёрдамдан баҳраманд бўлишди. Тиббиёт коллежининг беш ўқувчисига кўшимча стипендия белгиланди.

Айни пайтда даволашишга муҳтож ходимлар ҳам тегишлича ёрдам олишарди. Чунончи, 16 тиббиёт ходими имтиёзли асосларда санаторий ва дам олиш уйларида соғлигини тиклаб, дам олди.

Биз асосий эътиборни тиббиёт ходимларининг маънавий-ахлоқий қара-таъямиз. Шу мақсадда кабул-бар бўйича ўқув ва малака ошириш машғулотлари ўтказиб турибмиз, иқтидорлиларни рағбатлантиряймиз. Яқинда 31 нафар ёш ва ишчан ҳамшираларни тақдирлаш учун 150 минг сўм сарфланди.

Албатта, бундай эътибор ва ғамхўрлик шифокор ва ҳамшираларда ишчанликни қучайтирмақда. Улар тиббий хизмат савиясини юксалтириш учун тинмай ишланаёт-тирлар.

**Каримжон
МАДУСМОНОВ,**
соғлиқни сақлаш
ҳодимлари касба
уюшмалари шаҳар
кўмитаси раиси.

МАҲОРАТ ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Ёшлар йилида таълим ва фан ходимлари шаҳар спартакиадада ўтказилди.

Унинг ғолиблари бу мусобақаларнинг вилоят ва республика босқичларида муваффақиятли иштирок этишди. Вилоят босқичида 17-мактаб шахматчилари, 14-мактаб шашкачилари ғолиб чиқиди. Республика тармоқ спартакиадада эса, болалар спорт мактабининг директори Наталья Овасалова стол теннис буйича биринчи ўринни эгаллади. Шашка бўйича 33-мактаб ўқувчиси Николай Торғий республикада фахрли туртинчи ўринга чиқди.

Саломат РҶЗИЕВА.

КАСАБА уюшмалари ва ДАВР

Сўз – қуйи ташкилот етакчиларига

КОН САЛОҲИЯТИНИ ЕТУК КАДРЛАР ТИКЛАШДИ

ЁНИЛГИ-ЭНЕРГЕТИКА захиралари мамлакат истиқболини белгилайди, дейишдади. Бунга қўшимча қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, омилиб-

лик билан иш юритувчи салоҳиятли мутахассислар, зарур моддий-техник базаси бўлмаса, бу захиралар самараси йўққа чиқиси мумкин.

Ангрэн кўмир конида кейинги йилларда юз берган жараёнлар бу фикрни тасдиқламоқда. Собик Иттифоқ парчаланиб, мукамал шакланган техник-иқтисодий муносабатлар ва ходимлар тайёрлаш тизими пароканда бўлган. Ангрэнда кўмир қазиб олиш ҳам, ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларидаги технология даража ҳам пасайиб кетди. Аммо, Юртбошимиз раҳнаомликлари остида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишга киришган мустақил давлатимиз ишлаб

чиқаришни техника ва технология жиҳатдан модернизациялаш, иқтидорли миллий муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиб, босқичма-босқич амалга оширишга киришди. Мустақиллик йилларида 56,4 фоиз кончилик-транспорт ускуналари ва машина-механизмлар янгиланди. Очик ускунада "Ангрэн" кўмири кенимиз, гарчи етарли бўлмаса ҳам қучли юк машиналари, трактор ва бульдозерлар олапти. Натияжада кон очиш суръати кўтарилди. Бу июль ойи

режасини 102,6 фоиз бажариш, умуман, кўмир қазиб олиш суръатини 130,2 фоизга кўтариш имконини берди. Биз бугунгача мамлакат халқ ҳўжалиги ва экспортга кўп миқдорда кўмир етказиб бердик.

Албатта, бу ижобий си-жишларнинг омиллари етарли. Мен кон очиш ва кўмир қазиб олиш жараёнларида техника хавфсизлиги талаблари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш, бу ишларнинг моддий-техник асосларини мустаҳкамлаш маса-


лалари бу борада муҳим ўрин тутаятганлигини таъкидламоқчиман. Жамоа шартномаси асосида шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар йил сайин ортиб бормоқда. Чунончи, кенимиз бўйича меҳнат муҳофазасига 2005 йили 288,4 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, ўтган йили 500 миллион сўмга етди. Натияжада ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги яхшиланган, иш вақтида шикастланишлар камайди.

Лекин биз бу долзарб масалаларни ҳамisha диққат марказида тутаямиз. Айниқса, биринчи, иккинчи, учинчи ва ўн еттинчи бўлимлар, ротор мажмуаси касабаси ташкилотларининг етакчилари Абдували Душаев, Абдулазиз Эргашев, Абдулазиз Зокиров, Мулламур Салохов, Турбожон Умиров бу вазифалар билан жиддий шуғулланишарди.

Кон ишчи-хизматчиларини соғломлаштириш ва дам олдиришга эътибор қулайди. Йил бошидан буён шифокорлар тавсиси билан ўнга яқин ишчи турли санаторийларда соғлигини тиклаб кел-

ди. Умуман, сўнги бир йилда 73 ходим ва меҳнат фахрийсини оромгоҳларда дам олдириб, соғломлаштирдик. Касабаси ташкилотларимиз бозор муносабатлари шароитида ўз фаолиятларини тақомиллаштириб, кончиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш йўлида тинмай ишланаётган. Коннинг турли бўлимларидаги 21 та цех касабаси ташкилоти меҳнат шариитини яхшилаш ва меҳнат унумини кўтариш масалалари билан муттасил шуғулланишарди. Натияжада техника ва технология жараёнларини янгилаш асосида кўмир қазиб олишни кўпайтириш бир маромда йўлга қўйилди.

Раҳматилла ТОЖИЕВ,
"Ангрэн" кўмир кони
касба кўмитаси раиси.
СУРАТЛАРДА: (юқорида)
касба кўмитаси раиси
Раҳматилла Тожиев
бўлим бошлиғи ўринбосари
Жаҳонгир Умиров
билан; (пастда) кон
устаси Абадулла Тожиев.



СОҒЛОМ МАЪНАВИЙ МУҲИТ

ташаббускорликка, ижодий изланишга, янгиликларни кашф этишга кенг йўл очад



Хар қандай ишнинг муваффақияти, аввало, инсон омили, ходимларнинг руҳияти, меҳнат жамоасидаги соғлом маънавий муҳитга боғлиқ эканлиги сир эмас. Ташаббускорлик қўлайиб, вазифалар собитқудамлик билан бажарилиши учун ходимларда рағбат уйғотиш аниқ мақсадларга эришишни таъминлайди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга интиляётган таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмасининг бошланғич ташкилотлари шу тамойилларга амал қилаётди. Маълумки, дастурда белгиланган вазифаларни бажари-

риш жараёни яқини босқичга кўтарилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг бир қатор фармон ҳамда қарорлари таълим соҳасини ислох қилишни жадаллаштирди. Шаҳримиз мактаблари, лицей ва коллежларда педагогик жамоаларининг пухта билими, жисмоний бақувват ва маънавий-ахлоқий баркамол ишчи авлодини тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бераётди.

Мустақиллик йилларида шаҳримизда таълим-тарбия муассасаларининг узвий ва яқин тизими тўла шаклланди. У мактабга ва ундан ташқари таълим муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, вилоят Давлат педагогика институтини ўз ичига олади. Уларда 31 та бошланғич, 60 та цех касабаси ташкилоти ва 10 та касабаси фаолият кўрсатаётди. Шаҳар тармоқ касабаси ташкилотимиз ўз сафига 8808 таълим ва фан ходимини бириштириган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг яқини босқичида касабаси ташкилотларимиз асосий эътиборни уюшма аъзолари-

нинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг касб бўйича салоҳиятларини тўла раёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратаётди.

Табиийки, бунда касабаси фаоллари, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ишчанлиги, ташаббускорлиги ҳамда изланишчанлиги муҳим ўрин тутайди. Шуни ҳисобга олиб, уларни ўқитиш, ташкилотчилик қобилиятлари ва малакаларини ошириш чораларини кўраётимиз. Шу мақсадда ўқув машғулотлари, тахрибга алмашув ва илгор иш услубларини умумлаштиришга бағишланган илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ташкил этилтирмиш. Чунончи, фаолларимиз учун "Миллий ғоя" маърузида ўқув-машғулот ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарихоти ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорини бажариш жараёнлари умумлаштирилиб, педагог ва ўқувчи ёшлар билан бу борада олиб борилятган иш-

ларни янада чуқурлаштириш вазифалари белгилаб олинди. Эндилкида педагогик жамоалардаги маънавият ва маърифат хоналари тарғибот ишчанлик чинакам маркази айланди. Уларда Президент асарлари, бошқа ўқув-услубий қўлланмалар муқаммал жамланган, малакали устоз ва олимларнинг маслаҳат-ўрашувлари ўтказилмоқда.

Бошланғич касабаси ташкилотларида педагог ва тарбиячилар, таълим усталари учун мулоқот маданияти масалаларига бағишланган ўқув машғулотлари ташкил этилди. Фаолларимизнинг "Инсонга наф келтириш – олий бах" ўқув машғулотини ҳам ташаббускорликни қучайтиришга хизмат қилди. Шу боис касабаси фаолларининг кундалик ишда тарғиботчилик-ташкilotчилик фаолиятининг барча йўналишларини уйғунлаштириб олиб бориш маҳоратлари ошарди.

"Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови натижалари бунга мисол бўла олади. Унинг дастлабки босқичида даярли бача бошланғич ташкилотларимиз қатнашди. Биринчи ўринга 18-умум-

таълим мактабининг бошланғич ташкилоти муносиб топилди. 73-мактаб-интернат бошланғич ташкилоти иккинчи, 29-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилоти учинчи ўринни эгаллади. Бизнинг вақилимиз – 18-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилоти талловнинг вилоят ва республика босқичларида муваффақиятли қатнашиб, ғолиб бўлди. Бу ютуқ тармоқ касабаси уюшмаси вилоят кенгаши томонидан муносиб тақдирланди. Муқофот сифатида олинган юмшак мебель, стол-стул, раңгли телевизор, ной сөрвизи билан шу мактабда ўқитувчилар учун дам олиш хонаси жиҳозланди.

Маълумки, ўқитувчилар меҳнатини муҳофаза қилиш таълим тизимида долзарб вазифа ҳисобланади. Биз бунга ҳамisha диққат марказида тутаямиз ва бу борада жамоатчиликка таянамиз. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик фаолияти

эътибор билан ёндашамиз. Чунончи, ёш педагоглар учун алоҳида клуб ташкил этилди. Унда устозлар ва олимлар билан ўтказилган учрашувлар бошчилик ўқитувчилар илгор тахрибга ва янги педагогик технологияларни пухта эгаллаб олишларига хизмат қилаётди.

"Ёшлар ўз ҳуқуқларини билдирилари" маърузининг илмий-амалий конференцияси ҳам педагогларнинг навқирон бўғинини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяпти. Унда 29-мактабнинг ёш педагоглари фаол иштирок этиб, уларнинг йиллик фаолият натижаларини намойиш этишди.

Шундай қилиб, касабаси ташкилотларимиз меҳнат жамоаларида соғлом маънавий муҳит барқарорлиғи йўлида тинмай ишланаётган. Бу таълим соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, ҳар жиҳатдан баркамол ёшларни вояга етказишнинг асосий омил бўлиб қолди.

Равашаной ҒОЗИЕВА,
таълим ва фан
ҳодимлари касба
уюшмаси марказий
кенгашининг Ангрэн
шаҳар бўйича вакили.

Саҳифани Ўзбекистон касба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири Эътиборхон РАҲМОНОВА ва "Тошкент ҳақиқати" муҳриблари Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрладди.

Маънавият

КИТОБНИНГ ЙЎРИҒИ БОШҚА

Ёш телебошловчи Шерзод Аҳмедов "Кинотеатр" кўрсатувини олиб борар экан...



Демак, маънавий дунёнинг нурли масканларидан бўлган кутубхоналарнинг ҳам ҳаёти...

ларга оид адабиётлар мавжуд бўлган ҳуқуқий-ахборот маркази ташкил этилган.

Марказнинг "Ёшлар йили" дастури доирасида олиб борилган ишлари "Ёшлар - улкан бунёдкор куч"...

Ахборот-ресурс маркази бир неча йиллардан буён вилоят ИИБ билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Марказимизда китобхоналар учун барча имкониятлар яратилган. Республикаимизнинг иқтисодий, таълим...

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



СУЛОЛА

ҲАЁТДА шундай инсонлар бўладики, улар умрларини эл-юрт манфаати билан боғлайдилар.

"Вактинг кетди, бахтинг кетди" ибораси болалигимдан мен учун ҳаётимий жарроҳ, терапевт, жарроҳ-уролог, акушер...

тамомлади. Сулолада бугунги кунда тиббиёт соҳасининг 11 нафар етук мутахассислари аҳоли саломатлигини сақлаш...

Суратда: тиббиёт фахрийси Шавкат ота Қосимов ҳам бутун умрини халқ саломатлигини сақлашга бағишлади.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН Бадий Академиясининг кўргазмалар залида "Бунёдкорлик жараёнлари - мусавир нигоҳида" мавзусида ёш рассомлар ўртасида танлов-кўргазма ўтказилди.

Кўргазмада Ёшлар Ижоди

Маълумки, кейинги йилларда ўзбек тасвирий санъати жадал суръатларда ривожланмоқда.

Ўтказилган танлов-кўргазмада тошкентлик ёш иқтидорли рассомлар билан бирга вилоятлардан келган истеъдод соҳибларининг ҳам асарларини кўришини...

Асарларга божар эканиси, уларда болаларга хос бўлган бегуборликни кўрасиш. Оламга бир лаҳза уларнинг нигоҳи билан боқсангиз унинг нечоғли тақорланмас жиҳатлари борлигини яққол ҳис этасиз.

Кўргазма сўнгидея фаол иштирокчи ва энг сара ижодий ишларга ташкилотчиларнинг дипломи ва ёсдалик совғалари топширилди.

"Туркистон-пресс".

Тахририятга хатлар

ҚАРИЛИК ГАШТИ



Ўзим қатори пенсионер кексалар билан маҳалла гузаридида чорподага газета мўтояла қилиб ўтиргандик.

Газетчилар ҳам жуда олади-да. Буни қара: фалончи кексайиб, энди қариллик гаштини сураятти, деб ёзибди...

Кўп ўқийсан-у, Маҳмаддон, баъзи нарсалар ҳақида жуда юзаки фикрлайсан-да, - дедим мен.

Айтилдики, шу қариллик гашти хусусида. Яқинда Бахтиёр Исоқов деган муаллифининг бир китобини ўқиб қолдим.

СЕРСАЛОМЛИК ИЛЛАТМИ?

Аслида тахририятга хат ёзмакчи эмасдим-у лекин бир воқеа туртки бўлиб, қўлимга қоғоз-қалам олдим.

2 сентябрь тонги. Мактаб олдидидаги майдонча ўқувчилар ва фарзандларини илк бор бу ерга олиб келган ота-оналар билан тўла.

Ўзим ташлим беришим керак бўлган биринчи синф ўқувчиларини сафга тургазар эканман, оталардан бири олди катордаги болага сўз қотди:

Ўн сурсалом, сен ҳам мактабга чиқаясанми? - Қуришидан зиёлисида бу одам саволига жавоб ҳам кутмай, менга ўтирилди.

Ўн сурсалом, сен ҳам мактабга чиқаясанми? - Қуришидан зиёлисида бу одам саволига жавоб ҳам кутмай, менга ўтирилди.

Раҳмонқул ЭШОНҚУЛОВ, Зангиота тумани.

Кулганга нима етсин

Ҳозир кўнгирак қилишди, эриниз 10-қаватдан тушиб кетибди!

Ҳечқиси йўқ. Бир марта у 12-қаватдан ҳам йиқилиб тушган.

Ҳодим: Қайси аҳмоқ ўйлаб топди буни? Раҳбар: Мен!

Бўм-бўш хонада ўтирган психиатр ўзига-ўзи демоқда: Ҳўш, қачондан бери кўзингизга ҳар хил нарсалар кўрина бошлади?

Бир киши кечаси туриб қараса, хонасида ўри юрибди. У: Ҳой, нима қилаятсан? Пул қидираялман.

Майли қидиравер. Мабодо, топсанг мени ҳам уйғотарсан!

Болалар, ҳайвонлар шох деб кимни айтасиз? Зоопарк директорини!

Қамоқхона назари ўлимга маҳкум этилган маҳбусга: Охири тилагингизни айтинг, бажо келтирамиз. Хитой тилини ўрганмоқчиман.

Дискотекада: Яхши қиз, рақсага тушайсанми? Ҳа. Ҳудоба шукр-э, мен сизни тоқ урпайми, деб ўйлабман!

Хитой алам билан эрига қичқирмоқда:

Сиздан кўра аластиса турмушга чиқсам бўлмасмиди! Илоҳи йўқ, жоним. Яқин қариндошларингиз ўзаро турмуш қуришлари бехосият бўлади.

Бир йигит иккинчисига: Мен уни шунчалик яхши кўраманки, унинг учун ҳамма нарсаси тийёрман! Унда уйланақол. Нима? Ароққа-я?! Кеча мени ит тишлаб олди. Кутурган бўлса керак? Йўқ, соппа-соғ. Кутурган итнинг думидан тортиб жинни бўлабманми?

Қиз йигитга: Мен отамга, сизни шоир дедим. Улар жуда хурсанд бўлдилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.